## иккинчи бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИНИ

## 624 «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чоратадбирлари тўгрисида

Халқимизнинг асрий анъаналарини хисобга олиб, «Она ва бола соғлом булса, оила бахтли, оила бахтли булса, жамият мустаҳкам булади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва ҳарор топишига йуналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш буйича олиб борилаётган ишларнинг даражасини янада юксалтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза ҳилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оиланинг мустаҳкам, соғлом ва аҳил булишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш маҳсадида, шунингдек 2016 йил Узбекистон Республикасида «Соғлом она ва бола йили» деб эълон ҳилинганлиги муносабати билан:

- 1. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш буйича Республика комиссияси иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.
  - 2. Республика комиссияси (Ш. Мирзиёев):

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри хокимликлари билан биргаликда, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, бошқа жамоат ва нохукумат ташкилотларини кенг жалб этган холда бир ой муддатда «Соглом она ва бола йили» Давлат дастурининг лойихасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларини чуқуррок ишлаб чикиш учун ишчи гурухлар ташкил этсин ва уларга республиканинг етакчи мутахассислари ва олимларини, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этсин.

3. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури лойихасини ишлаб чиқишда, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, хотин-қизларнинг турмуш шароити ва даражасини ҳар томонлама яхшилаш юзасидан олиб борилаётган кенг куламли ишларни янада мантиқий давом эттириш мақсадида, қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин:



<sup>\*</sup> Илова рус тилидаги матнда берилган.

оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йуналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган ахоли, айниқса аёллар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойихалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ ахолисини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар курсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш;

тиббиёт муассасаларининг, жумладан перинатал ва скрининг марказларнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салохиятини янада мустахкамлаш, оилавий поликлиникалар ва кишлок врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт хамшираларининг сонини купайтиришни таъминлаш, акушер-гинекологлар ва болалар шифокорлари малакасини ошириш;

никоҳга кираётган шахсларнинг никоҳдан олдин тулиқ тиббий курикдан утишини таъминлаш учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини кучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш ҳамда ушбу мақсадларда поликлиникаларни замонавий ташхис ускуналари билан жиҳозлаш, курсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий курикдан утишнинг муҳимлигини аҳоли кенг қатламлари онгига сингдирган ҳолда катта тушунтириш ишларини олиб бориш;

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соглигини саҳлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш ҳилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, уларнинг овҳатланиш рациони сифати ва калорияси яхшиланишини таъминлаш;

ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшларни, айникса кишлок жойларда кизларни спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этиш, янги спорт объектларини куриш, ишлаб турганларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жихозлаш, юкори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш;

мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустахкамлашнинг мухим шарти сифатида оилаларда соглом маънавий мухитни, хусусан, ўзаро хурмат-эхтиром, эр-хотин ўртасида, ота-оналар билан фарзандлар, кайнона-келин ўртасида, қўни-қўшнилар ўртасида мехр-оқибат рухини яратиш;

қиз болаларни — булажак оналарни — жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган тарзда шакллантириш, уларнинг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида албатта таълим олишини, замонавий билимлар ва



50 (706)-coн — 5 — 624-модда

касб-хунарларга эга булишларини таъминлаш, уларнинг хаётда муносиб уринни эгаллашларида, келажакда соғлом ва мустаҳкам оила қуришларида асосий шарт ҳисобланмиш мустаҳкам ҳаётий позицияни ва мустаҳил фикрлашни шакллантириш;

соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаб, илғор педагогика ва ахбороткоммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш;

касб-хунар коллежлари битирувчиларининг, аввало қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш ишларини янада кенгайтириш;

дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш билан боглиқ масалаларни хал этишда махаллий хокимият органлари билан фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар бирлашмалари, фахрийлар ташкилотлари ўртасидаги хамкорликни янада мустахкамлаш, бу ишларга жамиятда хурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан электрон ахборот воситаларининг ва Интернет тармогининг имкониятларидан фаол фойдаланган холда «Соглом она ва бола йили» Давлат дастурининг максадлари ва вазифалари хамда Дастурнинг амалга оширилиши тургисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш.

- 4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шахрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шахри хокимлари рахбарлигида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг аниқ тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларни Республика комиссиясига такдим этиш буйича худудий комиссиялар тузилсин.
- 5. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2015 йил 10 декабрь, Ф-4577-сон

